

## УЧИНЧИ БЎЛИМ

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

## 413 Пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китоблар механизми такомиллаштириш тўғрисида

Пахта хом ашёсини қабул қилиш ва қайта ишлаш, пахта толасини экспорт қилиш бўйича ягона комплекс — «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси ташкил этилганлигини, шунингдек пахта толаси ва пахта маҳсулотлари учун ҳисоб-китобларнинг жаҳон амалиётида умумий қабул қилинган шакллари жорий этилганлигини ҳисобга олган ҳолда пахта толасини сотиш механизмини янада такомиллаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

#### 1. Белгилаб қўйилсинки:

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ пахта толасини экспортга ва уни қайта ишлайдиган республика корхоналарига сотишни ҳар йили тасдиқланадиган пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансининг параметрларига мувофиқ эркин конвертация қилинадиган валютага тўғридан-тўғри контрактлар бўйича ҳамда Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси орқали амалга оширади;

пахта толасини сақлаш ва экспортга, шунингдек республика корхоналарига етказиб бериш фақат пахта терминаллари орқали амалга оширилади;

хорижий харидорлар ҳамда республика корхоналари томонидан пахта толасини сифати ва оғирлиги бўйича якуний қабул қилиб олиш пахта терминалларида амалга оширилади.

#### 2. Қўйидагилар:

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (ЎзРТХБ) орқали биржа савдоларида республика корхоналарига ва экспортга сотиш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Пахта толасини сертификатлаш ва тарозида тортиш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат божхона кўмитаси, «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини

сертификатлаш маркази, Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси пахта толасини сотишда ва ҳисоб-китобларда ушбу қарорда белгиланган тамойилларга, механизмга ва талабларга қатъий риоя қилсинлар.

Белгилансинки, ушбу қарор кучга киргунгача пахта толасини экспортга ва республика корхоналарига сотиш бўйича тузилган контрактлар (шартномалар) улар тузилган вақтда амалда бўлган қонун ҳужжатларига мувофиқ бажарилиши керак.

3. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси:

ушбу қарор қоидалари ва талабларининг манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ташкилотлар томонидан қатъий бажарилиши юзасидан тизимли назорат ўрнатсин;

пахта толасини сотиш ва ҳисоб-китобларнинг белгиланган тартиби бузилишида айбдор бўлган мансабдор шахсларни қонунда белгиланган, жиноий жавобгарликкача бўлган жавобгарликка тортсин.

4. «Ўзпахтасаноат» АЖ, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзбекистон темир йўллари» АЖ пахта тозалаш саноати корхоналарида, пахта терминалларида, шунингдек пахта толасини темир йўл орқали ташишда ёнғин хавфсизлиги ҳолати юзасидан қатъий назоратни таъминласинлар.

5. «Ўзпахтаэкспорт» АЖ пахта терминалларининг янгиланган рўйхати 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

амалдаги қонунчиликка ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсинлар;

ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2016 йил 30 август,  
286-сон

---

\* 4-илова рус тилидаги матнда берилган.

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 30 августдаги 286-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**«Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва  
«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан  
ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом «Ўзпахтаэкспорт» АЖ (кейинги ўринларда харидор деб аталади) томонидан 2015 йил ҳосилидан бошлаб пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари (кейинги ўринларда етказиб берувчилар деб аталади) билан ҳисоб-китоб қилиш тартиби ва механизми-ни белгилайди.

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари ўртасида пахта толаси учун ҳисоб-китоблар ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

2. Пахта тозалаш заводлари томонидан ишлаб чиқарилган пахта толаси етказиб берувчилар томонидан харидорга уни тузилган шартномаларга мувофиқ пахта терминаллари (кейинги ўринларда терминаллар деб аталади) етказиб берган ҳолда сотилади.

Бунда пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансида назарда тутилган айрим корхоналарга пахта толаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ билан тузиладиган тўғридан-тўғри контрактлар (шартномалар) бўйича миллий валютада сотилиши мумкин.

3. «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг пахта толасини сотадиган ҳудудий филиаллари учун, умумий белгиланган солиқларнинг комисионерлари — тўловчилари сифатида, Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқларни ҳамда бошқа мажбурий тўловларни тўлаш тартиби қўлланилади.

4. Пахта толасининг етказиб берувчилари ва харидор ўртасида пахта толасини сотиш бўйича ўзаро муносабатлар ушбу Низом, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда икки томонлама шартномалар билан тартибга солинади.

**II боб. Пахта толасини сотиш юзасидан бош битимлар ва  
шартномалар тузиш**

5. Календарь йил бошида етказиб берувчилар ва харидор ўртасида, етказиб берувчилар ва пахта етиштирувчи хўжаликлар ўртасида тузилган контрактация шартномаларига биноан жорий йилда кутиладиган пахта хом

ашёси ҳосилидан олинадиган пахта толасини харид қилиш юзасидан бош битимлар тузилади.

6. Бош битимда қўйидагилар белгиланади:

жаҳон бозорида кўп талаб қилинадиган тегишли саноат навлари ва типларидаги пахта толасини ишлаб чиқариш учун пахта хом ашёсининг аниқ селекция навлари;

пахта хом ашёси ишлаб чиқаришнинг прогноз ҳажмларидан ва ғўза навларини жойлаштиришдан келиб чиққан ҳолда, кейинчалик пахта толасини қайта ишлайдиган республика корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) экспорт қилиш ва сотиш учун терминалларга етказиб бериладиган пахта толасининг ҳисоблаб чиқилган ҳажмлари;

жорий йилнинг сентябрь — декабрь ва келгуси йилнинг январь — август даврларида харидор томонидан сотиб олинадиган пахта толаси ҳажмлари бўйича шартномалар тузишнинг тахминий муддатлари.

7. Бош битимга мувофиқ:

амалдаги ғўза майдонларини ва қутилаётган ҳосилни апробация қилиш натижалари бўйича келгусида жорий йилнинг сентябрь — декабрь даврида экспорт қилиш ва республика корхоналарига сотиш учун пахта толасини терминалларга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади;

пахта хом ашёсини жорий йилда йиғиб-териби олиш ва амалда тайёрлаш натижалари бўйича кейинчалик келгуси йилнинг январь — август даврида экспорт қилиш ва республика корхоналарига сотиш учун пахта толасини терминалларга етказиб бериш юзасидан шартномалар тузилади.

8. Бош битимга мувофиқ тузиладиган шартномаларда етказиб бериладиган толанинг ҳажмлари, сортлари, типлари, класслари ва бошқа сифат кўрсаткичлари бўйича барча асосий параметрлар, ташиш шартлари ва юклаб жўнатиш муддатлари, ўзаро ҳисоб-китоблар тартиби, форс-мажор ҳолатлари, тузилган шартномаларни бажариш шартлари бўйича мулкӣ ва бошқа жавобгарлик, баҳсли масалаларни кўриб чиқиш тартиби белгиланади.

### **III боб. Пахта толасига нархларни белгилаш тартиби**

9. Етказиб берувчилар ва харидор ўртасидаги пахта толаси юзасидан ўзаро ҳисоб-китоблар белгиланган тартибда тузиладиган шартномалар асосида амалга оширилади.

10. Келгусида экспортга ва республика корхоналарига сотиш учун етказиб берувчилар томонидан етказиб бериладиган пахта толаси учун нархлар, нетто массасига қайта ҳисобланган (улгуржи нархлар прејскурантида келтирилган формула бўйича) улгуржи нархлар прејскурантидан ҳамда етказиб берувчиларнинг (суғурта қилиш, етказиб бериш, тушириш ва пахта толасини терминалларда сақлаш, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳақи бўйича харажатлардан) келиб чиққан ҳолда, CIF — пахта терминали шартлари бўйича аниқланади.

Бунда «Коттон Оутлук» бюллетенида эълон қилинадиган пахта толаси

учун жаҳон нархлари амалда бўладиган даврларда («А» индекси котировкаларининг ва унинг CFR — Узоқ Шарқ портларидаги шартларида Ўзбекистон компонентининг ўртача миқдори), пахта толасини сотишнинг тасдиқланган улгуржи прејскурант нархларидан паст бўлган даврларида пахта толасини сотиш ишлаб чиқариш ва етказиб бериш баланси доирасида амалга оширилади.

Пахта толаси учун тасдиқланган улгуржи прејскурант нархлардан паст даражада бўлган жаҳон нархларининг амалда бўлиш даврларида, қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олган ҳолда, республика корхоналари учун пахта толасини сотишда пахта тозалаш заводлари, амалда юклаб жўнатиш кўнида ҳақиқатда вужудга келган жаҳон нархларидан келиб чиқиб, қўйидаги: жаҳон нархи, чегиришни ҳисобга олган ҳолда 20/120 га кўпайтирилган формула бўйича 15 фоиз миқдоридаги чегиришни ҳисобга олган ҳолда қўшилган қиймат солиғини ҳисоблайдилар.

11. Харидор томонидан экспортга сотиладиган пахта толаси учун нархлар эркин конвертация қилинадиган валютада, «А» индекси котировкаларининг ўртача миқдоридан ва унинг «Коттон Оутлук» бюллетенида эълон қилинадиган, CFR — Узоқ Шарқ портлари шартларида «Биринчи» навли, «Ўрта» классли, 4 типли, 36 кодли (базис нарх) пахта толасининг 1 тоннаси учун белгиланади. Ушбу нархдан келиб чиққан ҳолда, мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ коэффициентларни қўллаган ҳолда пахта толасининг бошқа сортлари, класслари, типлари ва кодлари учун нархлар аниқланади. Нархларни белгилаш тартиби, тўлаш ва етказиб бериш шартлари пахта толасини экспорт қилиш контрактларида белгиланади.

Бунда харидорнинг пахта толасини экспортга сотиш бўйича харажатлари қўйидагиларни ўз ичига олади:

CFR — Узоқ Шарқ портлари шартларида терминалларда пахта толасини сақлаш, юклаб жўнатиш ва суғурта қилиш (шу жумладан фитосанитария сертификати берганлик ва республика ҳудудлари бўйича ҳарбийлаштирилган қўриқлаш ҳамда воситачилик транспорт экспедиторлари учун тўлов) CFR — Узоқ Шарқ портлари шартларини бажариш учун мўлжалланган, норматив муддатлар, белгиланган портлар доирасида портларда толани фумигация қилиш ва сақлаш харажатлари;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг (кейинги ўринларда «Сифат» маркази деб аталади) пахта толасини сертификатлаш ва тарозида тортиш бўйича Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида келишилган тарифларга биноан харажатлари;

пахта толасини декларация қилиш ва божхонада расмийлаштириш бўйича харажатлар;

банк харажатлари (кафолатлар, маблағлар ўтказилганлиги учун банкнинг воситачилик ҳақи, юклаб жўнатиш ҳужжатларини текшириш учун ва бошқа харажатлар, шу жумладан банклар кредитлари бўйича фоизлар тўловига харажатлар), шунингдек етказиб берувчилардан харид қилинадиган пахта толаси учун ҳисоб-китоб қилишга жалб этиладиган Ўзбекистон Рес-

публикаси Молия вазирлиги хузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси қарз маблағларига харажатлар;

харидорнинг шартномавий нархнинг 1,0 фоиз миқдоридаги воситачилик ҳақи.

Пахта толаси экспорти бўйича харажатларни чегириш ҳар қайси нав, класс, тип ва код нархи аниқлангандан кейин амалга оширилади.

12. Харидор томонидан республика корхоналарига сотиладиган пахта толаси нархлари эркин конвертация қилинадиган валютада аниқланади, бунда «А» индекси котировкаларининг ва унинг Ўзбекистон компонентининг ўртача миқдоридан келиб чиққан ҳолда, «Коттон Оутлук» бюллетенида эълон қилинадиган CFR — Узоқ Шарқ портлари шартларида, пахта толасининг «Биринчи» сорти, «Ўрта» класс, 4-типи, 36-коди (базис нарх)нинг пахта толасининг 1 тоннаси учун, 15 фоиз миқдоридаги чегиришни ва харидорнинг шартномавий нархнинг 1,0 фоизи миқдоридаги воситачилик ҳақини ҳисобга олган ҳолда белгиланади. Ушбу нархдан келиб чиқиб пахта толасининг бошқа сортлари, класслари, типлари ва кодлари нархлари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ коэффицентларни қўллаган ҳолда аниқланади.

Бунда харидорнинг пахта толасини республика корхоналарига сотиш бўйича, харидорга вужудга келган ижобий тафовут ҳисобига қопланадиган харажатлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

«Сифат» марказининг сертификатлаш ва тарозида тортиб кўриш бўйича харажатлари;

банкларнинг кўрсатилган хизматлар бўйича харажатлари;

терминалларнинг, шу жумладан терминалларда пахта толасини суғурта қилиш бўйича харажатлари.

13. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан Иқтисодиёт вазирлиги ва «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси билан биргаликда ҳар йили 1 августгача харидорнинг пахта толасини экспортга ва республика корхоналарига сотиш бўйича харажатларининг чекланган миқдори ҳисоблаб чиқилади ҳамда тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритилади.

Экспорт бўйича айрим харажатларни мақбуллаштириш ҳисобига олинган тежамлар суммаси харажатларнинг бошқа моддалари бўйича ортиқча харажатларни қоплашга йўналтирилади.

14. Пахта толасига нархлар Ўзбекистон Республикаси амалдаги стандартларининг барча мажбурий талабларига мувофиқ тарзда белгиланади.

15. Ўртача толали пахта толаси учун «микронейер» кўрсаткичи миқдорлари юқори бўлганда ёки белгиланган нормалардан (3,5 дан 4,9 гача) паст бўлганда пахта толасига улгуржи нархлар прејскурантида кўрсатилган шкалага мувофиқ I-II навлар пахта толасининг шартномавий нархидан чегириш қўлланади.

16. «А» индекси ва унинг «Коттон Оутлук» бюллетенида эълон қилинадиган Ўзбекистон компоненти котировкаларининг ҳар кунлик миқдори харидор томонидан етказиб берувчиларга маълум қилинади.

**IV боб. Экспортга сотишда пахта толасини юклаб  
жўнатиш ва унинг учун ҳисоб-китоб қилиш тартиби**

17. Харидор ва етказиб берувчилар пахта толасини етказиб бериш юзасидан шартномаларда етказиб бериш шартларини ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган миқдордаги олдиндан тўловни амалга оширган ҳолдаги ҳисоб-китоблар шаклини белгилайдилар.

Бунда харидор етказиб берувчилар билан қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда, амалда юклаб жўнатилган кундан бошлаб юклаб жўнатилган пахта толаси учун тақдим этилган счё-фактуралар ўрнига ўзаро узил-кесил ҳисоб-китобларни миллий валютада амалга оширади.

18. Пахта тозалаш заводлари пахта хом ашёсининг қайта ишланишига кўра пахта толасини харидордан олинган билдиришномаларга ва етказиб берувчиларнинг топшириқномаларига мувофиқ терминалларга пахта толасини етказиб беришни амалга оширадilar.

Терминаллар, харидорнинг билдиришномалари мавжудлигидан қатъи назар, пахта тозалаш заводлари ишлаб чиқарган ва юклаб жўнатиш ҳужжатларига эга бўлган пахта толасининг ҳаммасини масъулиятли сақлашга қаршиликсиз қабул қилишни таъминлайдилар.

Харидор, хорижий харидорлар ва республика корхоналари ўртасида тузилган контрактларга мувофиқ терминаллар пахта толасини харидорнинг юклаб жўнатиш йўриқномаларига мувофиқ юклаб жўнатишни амалга оширадilar.

19. Пахта тозалаш заводлари томонидан харидорнинг билдиришномаларисиз ёки билдиришномаларида кўрсатилган сифат кўрсаткичларига мувофиқ бўлмаган пахта толаси партияси терминал томонидан масъулиятли сақлаш тўғрисидаги далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда масъулиятли сақлашга қабул қилинади.

Харидор томонидан янги билдиришномалар ёзилган тақдирда етказиб берувчилар пахта толаси етказиб беришни пахта тозалаш заводларидан етказиб бериладиган ёки терминалларда масъулиятли сақлашда бўлган пахта толаси ҳажмларидан ушбу билдиришномалар ҳисобига амалга оширишлари мумкин. Муайян партияни масъулиятли сақлашдан ёзилган билдиришномаларга мувофиқ харидор мулкига қабул қилиб олишда етказиб берувчи ва терминал ўртасида қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади, унда қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш санаси мазкур партияни харидор манзилига юклаб жўнатиш санаси ҳисобланади.

Масъулиятли сақлашда турган пахта толасини «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалларининг ёзма розилигисиз пахта терминаллари томонидан қайта расмийлаштиришга ва юклаб жўнатишга йўл қўйилмайди.

Шартнома шартларига мувофиқ етказиб берувчилар пахта толасини амалда юклаб жўнатиш санасидан бошлаб 2 календарь кундан кечикмай терминалларга пахта толаси терминалга юклаб жўнатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни (қабул қилиш далолатномаси), транспорт юк хати, пахта тозалаш заводларининг счё-сертификатлари ва «Сифат» марказининг мувофиқлик сертификати (текшириш далолатномаларини) амалда юклаб

жўнатилган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган муддатларда харидор томонидан ушбу Низомнинг 9-бандига мувофиқ тартибда белгиланган нарх бўйича миллий валютада тўлаш учун тақдим этадилар.

Хорижий харидорларга сотишда — пахта толаси ҳажмларини харидор мулкига қабул қилинганлигини тасдиқловчи пахта заводи ва терминалнинг вакиллари томонидан имзоланган қабул қилиш-топшириш далолатномаси расмийлаштирилган сана пахта толасининг амалда юклаб жўнатилган санаси ҳисобланади.

Пахта толасининг сифати ва массаси «Сифат» маркази мувофиқлик сертификати (текшириш далолатномаси) бўйича кўрсаткичларга мувофиқ бўлмаган тақдирда ушбу масала бўйича келишмовчиликлар унинг вакилини жалб этган ҳолда ҳал этилади. Сифат ва масса бўйича келишмовчиликларни тасдиқлашда улар билан боғлиқ бўлган барча қўшимча харажатлар «Сифат» маркази ҳисобига тегишли бўлади, етказиб берувчи ва харидор ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар эса ушбу пахта толаси партиясининг амалдаги сифати ва массаси асосида, далолатномалар кўриб чиқилгандан кейин 5 кун муддатда амалга оширилади.

20. Ҳар ойнинг 5-кунигача, етказиб берувчилар ва харидор ўртасида кейинчалик қайта ҳисоб-китоб қилиш ҳуқуқи билан, етказиб берувчилар томонидан тақдим этилган счётлар асосида оралиқ таққослаш далолатномалари тузилади. Таққослаш амалда юклаб жўнатиш ва ўтган ой тўлови суммаси бўйича амалга оширилади.

Бунда пахта толасининг ҳажми, сифати ва нархи билан боғлиқ баҳсли масалалар бўйича томонларнинг эришилган аҳдлашуви ҳисобга олинади.

21. Муайян йил ҳосили бўйича тегишли йил пахта толасини юклаб жўнатиш тугагандан кейин 30 кун мобайнида ўзаро таққослаш далолатномалари тузилади.

Ҳосил бўйича якуний ҳисоб-китоблар пахта толаси харидорга амалда юклаб жўнатилган кундан бошлаб қонун ҳужжатларида белгиланган муддат мобайнида амалга оширилади.

Харидор муайян йил ҳосилининг пахта толасини сотиш якунлари бўйича ҳамда тушган маблағларни ҳисобга олган ҳолда, келгусида кейинги йилнинг 31 октябригача бўлган муддатда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун жаҳон нархлари ва ички нархлар ўртасидаги салбий тафовут суммасининг якуний ҳисобини чиқаради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақдим этади.

Қопланиши зарур бўлган салбий тафовут суммасини ҳисоблашда, ушбу Низомнинг 12-бандини ва ушбу Низомда назарда тутилмаган харажатларни ҳисобга олган ҳолда, харидорнинг чекланган харажатларининг ортиқча суммаси чегириб ташланади.

22. Харидор етказиб берувчилар билан ҳисоб-китобларни пахта толасини сотиш юзасидан контрактлар бўйича тушган маблағлар, қарз маблағлари, шунингдек салбий тафовутни қоплаш учун ажратилган маблағлар ҳисобига амалга оширади.



23. Харидор пахта толасини сотишни пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб бериш балансининг тасдиқланган параметрларига мувофиқ амалга оширади.

Бунда пахта толаси учун жаҳон нархларининг амалда бўлиш даврларида: тасдиқланган прејскурантдаги улгуржи нархлардан юқори бўлган маблағлар, етказиб берувчиларнинг харажатларини, ҳар чорақда ҳисоблаб чиқилган, харидорда вужудга келган ижобий тафовут суммаси, унинг харажатларини чегирган ҳолда, тегишли йил ҳосили пахта толасини сотиш якунлари бўйича эса — ижобий тафовутнинг якуний суммаси тўлиқ миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоблар жамғармасига йўналтирилади. Ижобий тафовут суммасидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан Жамғармага юкланган вазифаларни бажариш, шу жумладан пахта толасига тасдиқланган прејскурантдаги улгуржи нархлардан паст бўлган жаҳон нархлари амалда бўлган даврлардаги салбий тафовутни қоплаш учун фойдаланилади;

тасдиқланган прејскурантдаги улгуржи нархлардан паст бўлган нархлар, етказиб берувчиларнинг харажатларини, харидорда унинг пахта толасини сотиш бўйича харажатларини ҳисобга олган ҳолда ҳосил бўлган салбий тафовут суммасини ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси томонидан белгиланадиган тартибда, тугалланган контрактлар бўйича харидор тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида қопланади.

#### **V боб. Пахта толасини республика корхоналарига сотиш тартиби**

24. Пахта толасини республика корхоналарига сотиш эркин конвертация қилинадиган валюта ҳисобига, харидор орқали, уларнинг буюртманомаларига мувофиқ ҳажмларда амалга оширилади.

25. Республика корхоналари ҳар йили 1 июлгача харидорга пахта толаси харид қилиш юзасидан буюртманома тақдим этадилар, унда жорий йилнинг сентябрь — декабрида ва кейинги йилнинг январь — августида пахта толаси харид қилиш учун — 1 декабргача пахта толаси ҳажмини, навларини, типларини ва бошқа сифат кўрсаткичларини кўрсатган ҳолда тақдим этадилар.

Харидор етказиб берувчилар билан тузиладиган бош битимда республика корхоналари буюртманомаларини тўлиқ ҳажмда ҳисобга олади ва уларни пахта толасини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланишни прогнозлашда йиғиш ва ҳисобга олиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига тақдим этади.

26. Бош битимга мувофиқ ҳамда пахта толасини ишлаб чиқариш ва ундан

фойдаланишнинг прогноз қилинаётган ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, харидор пахта толаси етказиб бериш юзасидан сентябрь — декабрь ва январь — август даврлари учун республика корхоналари билан алоҳида-алоҳида контрактлар тузади.

27. Сотиб олинаётган пахта толаси учун республика корхоналари камида 15 фоиз миқдорида олдиндан тўловни амалга оширадilar, якуний ҳисоб-китобларни улар билан тузилган контрактларда назарда тутилган шартларда пахта толаси амалда юклаб жўнатилган кундан бошлаб 90 кун мобайнида бажарилади. Пахта толасининг қолган қиймати учун банк кафолати тақдим этилади ёки аккредитив очилади. Ҳисоб-китобларнинг ана шундай муддати харидор ва етказиб берувчилар ўртасида терминалларга етказиб берилган ва республика корхоналарига сотиладиган пахта толаси учун ҳам белгиланади.

28. Етказиб берувчилар билан якуний ҳисоб-китобларни харидор, сотилган пахта толаси учун республика корхоналари билан ўзаро ҳисоб-китобларнинг ҳолатидан қатъи назар, шартномаларга мувофиқ амалга оширадilar. Пахта толасини харидор томонидан терминалдан юклаб жўнатилган сана — республика корхоналарига сотишда амалда юклаб жўнатилган сана ҳисобланади.

29. Пахта толасини терминаллардан юклаб жўнатиш харидор томонидан юклаб жўнатиш йўриқномалари бўйича, харидор ва республика корхонаси ўртасида имзоланган контрактларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади. Бунда пахта толаси учун ҳисоб-китоблар, амалда юклаб жўнатилган кунда ҳосил бўлган жаҳон нархларидан келиб чиққан ҳолда, ушбу Низомнинг 11-бандига мувофиқ амалга оширилади.

Пахта толасига жаҳон нархларининг амалда бўлиш даврларида:

тасдиқланган прејскурантдаги улгуржи нархлардан юқори бўлган маблағлар, етказиб берувчиларнинг харажатларини, ҳар чоракда ҳисоблаб чиқилган, харидорда вужудга келган ижобий тафовут суммаси, унинг харажатларини чегирган ҳолда, тегишли йил ҳосили пахта толасини сотиш якунлари бўйича эса — ижобий тафовутнинг якуний суммаси тўлиқ миқдорда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун ҳисоб-китоблар жамғармасига йўналтирилади. Ижобий тафовут суммасидан ушбу Низомнинг 23-бандига мувофиқ фойдаланилади;

тасдиқланган прејскурантдаги улгуржи нархлардан паст нархлар, етказиб берувчиларнинг харажатларини, харидорда унинг пахта толасини сотиш бўйича харажатларини ҳисобга олган ҳолда, салбий тафовут суммаси, пахта толасини сотиш бўйича чиқимларни ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси томонидан, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳамда «Ўзпахтасаноатэкспорт» холдинг компанияси томонидан белгиланадиган тартибда, тугалланган контрактлар бўйича харидор тақдим этадиган ҳисоб-китоблар асосида қопланади.

30. Республика корхонаси юклаб жўнатилган пахта толаси партияси учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаганда, ушбу Низомнинг 27-бандида назарда тутилган муддатларга риоя қилмаганда ушбу корхонага бундан кейин пахта толасини юклаб жўнатиш қарзлар тўлиқ тўланмагунгача тўхтатиб турилади.

31. Республика корхоналари томонидан харидордан сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайтадан сотилмайди.

#### **VI боб. «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари томонидан пахта толасини сотишдан олинган маблағлардан фойдаланиш**

32. Харидордан пахта толаси учун етказиб берувчиларга тушган маблағлардан қуйидагилар учун фойдаланилади:

ушбу Низомнинг 33-бандида назарда тутилган тартибда амалда юклаб жўнатиш вақтида амалда бўлган прејскурантдаги улгуржи нархлар бўйича пахта тозалаш заводлари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан, давлат мақсадли жамғармаларидан ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармасидан қарзларни тўлаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган воситачилик ҳақлари миқдорида ўз харажатларини қоплаш;

пахта толасини терминалларга етказиб бериш, уни тушириб олиш ва терминаллар томонидан қабул қилиб олиш, етказиб берувчилар ва харидорнинг вакиллари (терминаллар) ўртасида қабул қилиш-топшириш ҳужжатларини расмийлаштиргунгача сақлаш ва суғурта қилиш харажатларини қоплаш.

33. Пахта толасининг прејскурантдаги улгуржи нархлар бўйича қиймати қуйидагиларга тақсимланади:

пахта етиштирувчи хўжаликларга пахта хом ашёси қийматини тўлаш учун ажратилган кредитни қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси ҳисоб рақамларига етказиб берувчилар ўтказадиган маблағлар;

пахта тозалаш заводлари харажатларини қоплаш учун пахта тозалаш заводлари ҳисоб рақамларига ўтказиладиган маблағлар.

#### **VII боб. Яқунловчи қоида**

34. Томонларнинг ушбу Низомдан келиб чиқадиган мажбуриятларини бажариш юзасидан жавобгарлиги қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
1-ИЛОВА

**«Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг  
ҳудудий филиаллари ўртасида пахта толаси учун  
ҳисоб-китобларни ўтказиш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлари
I босқич	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари ишлаб чиқарилган пахта толасини сотиш юзасидан пахта тозалаш заводлари билан шартнома тузадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, пахта тозалаш заводлари	Календарь йил бошида
II босқич	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, пахта толасини юклаш, гарамлаш ва сақлаш юзасидан пахта терминаллари билан шартнома тузадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Пахта мавсуми бошида, йил бошида
III босқич	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари миқдорларини, типларини, сортларини ва муддатларини аниқлаган ҳолда пахта толасини етказиб бериш юзасидан «Ўзпахтаэкспорт» АЖ билан шартнома тузадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Календарь йил бошида
IV босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ пахта терминаллари билан пахта толасини юклаб жўнатиш, пахта толасини бўш омборга жўнатишда — пахта толасини гарамлаш ва сақлаш юзасидан шартнома тузади.	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ, пахта терминаллари	Календарь йил бошида
V босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ республика корхоналари ва хорижий харидорлар билан пахта толаси сотиш бўйича контрактлар тузади.	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Ўтказилган пахта ярмаркаси яқунлари бўйича ва йил мобайнида
VI босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ етказиб беришга мўлжалланган пахта толаси учун, харидордан олдиндан тўловни олгандан ва валюта тушуми сотилгандан кейин, тузилган контрактларда белгиланган миқдорда «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиалларига олдиндан тўловни амалга оширади. Маблағларнинг қолган қисми харидордан тўлов олингандан ва валюта тушуми сотилгандан кейин «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари томонидан «Ўзпахтаэкспорт» АЖга амалда юклаб жўнатилган кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Шартномалар тузилгандан ва харидорлардан олдиндан тўлов олингандан кейин

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлари
VII босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ тузилган шартномага мувофиқ пахта терминаллари пахта толасини етказиб бериш юзасидан хабарномани «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиалларига юборди.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Олдиндан тўлов олингандан кейин
VIII босқич	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари хабарнома олингандан кейин пахта терминаллари пахта толасини юклаб жўнатиш юзасидан пахта тозалаш заводларига топшириқномалар юборди.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари, пахта тозалаш заводлари	Хабарнома олингандан кейин
IX босқич	Пахта тозалаш заводлари томонидан пахта хом ашёсининг қайта ишланишига ва пахта толаси партияларининг юклаб жўнатишга тайёрлигига кўра «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари уни пахта терминаллари етказиб беришни амалга оширадilar. Бунда: «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг хабарномаларисиз етказиб берилган пахта толаси, масъулиятли сақлаш тўғрисидаги далолатномаларни расмийлаштирган ҳолда пахта терминаллари томонидан масъулиятли сақлашга қабул қилиб олинади; «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари топшириқномалари бўйича пахта тозалаш заводлари томонидан юклаб жўнатиш ва уларга «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг хабарномаларига мувофиқ етказиб берилган пахта толаси пахта терминаллари томонидан, қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ мулкига қабул қилинади; «Ўзпахтасаноат» АЖ пахта терминалларидаги пахта толасини масъулиятли сақлашдан «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг мулкига етказиб беришни, бериш-қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда, «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг хабарномалари ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари топшириқномалари асосида амалга ошириши мумкин. Масъулиятли сақлашдаги пахта толасини «Ўзпахтасаноат» АЖ худудий филиалларининг ёзма розилигисиз пахта терминаллари томонидан қайта расмийлаштиришга ва юклаб жўнатишга йўл қўйилмайди.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг пахта тозалаш заводлари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг пахта терминаллари	«Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг олинган хабарномаларига ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг топшириқномаларига мувофиқ
X босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ пахта терминалларидаги пахта толасини республика корхоналарига ва хорижий харидорларга юклаб жўнатишни амалга оширади.	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ, пахта терминаллари	Тўлов амалга оширилгандан кейин
XI босқич	Пахта тозалаш заводлари «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиалларига юклаб жўнатиш («Ўзпахтаэкспорт» АЖ мулкига берилган) пахта толаси юзасидан счёт-фактураларни берадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари, пахта тозалаш заводлари	Контрактда белгиланган муддатларда

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлари
ХII босқич	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари пахта тозалаш заводларининг олинган счёт-фактуралари асосида «Ўзпахтаэкспорт» АЖга счёт-фактураларни берадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Ҳар ойда, лекин ҳисобот ойдан кейинги ойнинг 5-қунидан кечикмай
ХIII босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказди (амалга оширилган олдиндан тўлов суммасини ҳисобга олган ҳолда).	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ, «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари	Юклаб жўнатилгандан кейин 90 кун мобайнида
ХIV босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари ҳар ойда юклаб жўнатилган пахта толаси қийматини ва тўланган суммаларни ўзаро таққослашни амалга оширадилар.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Ҳар ойда

«Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан пахта толасини сотиш ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга  
2-ИЛОВА

**Пахта толаси нархларини сортлари ва  
класслари бўйича қайта ҳисоблаш  
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ  
(база — «Биринчи» сорт, «Ўрта» классли)**

<b>I сорт (Биринчи)</b>	<i>Олий</i>	1,050	<b>II сорт (Иккинчи)</b>	<i>Олий</i>	1,020
	<i>Яхши</i>	1,040		<i>Яхши</i>	0,990
	<i>Ўрта</i>	1,000		<i>Ўрта</i>	0,955
	<i>Оддий</i>	0,965		<i>Оддий</i>	0,920
	<i>Ифлос</i>	0,925		<i>Ифлос</i>	0,880
<b>III сорт (Учинчи)</b>	<i>Олий</i>	0,990	<b>IV сорт (Тўртинчи)</b>	<i>Олий</i>	0,950
	<i>Яхши</i>	0,965		<i>Яхши</i>	0,850
	<i>Ўрта</i>	0,930		<i>Ўрта</i>	0,800
	<i>Оддий</i>	0,885		<i>Оддий</i>	0,750
	<i>Ифлос</i>	0,840		<i>Ифлос</i>	0,700
	<b>V сорт (Бешинчи)</b>	<i>Олий</i>	0,750		
		<i>Яхши</i>	0,650		
		<i>Ўрта</i>	0,550		
		<i>Оддий</i>	0,500		
		<i>Ифлос</i>	0,450		

**Пахта толаси нархларини типлари ва кодлари бўйича қайта ҳисоблаш  
КОЭФФИЦИЕНТЛАРИ**  
Узун толали

Тола типи	1a	1б	1	2	3	
Узунлиги (дюйм)	1,11/32	1,5/16	1,9/32	1,1/4	1,7/32	1,3/16
Коди	43	42	41	40	39	38
Коэффициенти	1,6080	1,4699	1,4008	1,2331	1,1147	

Ўрта толали

Тола типи	1a	1б	1	2	3	
Узунлиги (дюйм)	1,11/32	1,5/16	1,9/32	1,1/4	1,7/32	1,3/16
Коди	43	42	41	40	39	38
Коэффициенти	1,0956	1,0765	1,0574	1,0383	1,0191	

Тола типи	4		5		6
Узунлиги (дюйм)	1,5/32	1,1/8	1,3/32	1,1/16	1,1/32
Коди	37	36	35	34	33
Коэффициенти	1,0000		0,9865	0,9737	0,9618

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 30 августдаги 286-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Пахта толасини Ўзбекистон республика товар-хом ашё  
биржаси орқали биржа савдоларида республика корхоналарига  
ва экспортга сотиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом пахта толасини республиканинг пахта толасини қайта ишлаб чиқариш корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) биржа савдоларида, шунингдек Ўзбекистон республика товар-хом ашё биржаси (кейинги ўринларда ЎзРТХБ деб аталади) валюта майдони орқали экспортга сотиш тартибини ва тартибга солиш механизмини белгилайди.

2. Пахта толасини сотиш ЎзРТХБда аниқ вақт режимида электрон биржа савдолари тизимидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

ЎзРТХБ томонидан ўтказиладиган биржа савдоларига тенг шартлар билан республика корхоналари, шунингдек экспортга сотишда — хорижий харидорлар қўйилади.

3. Пахта толасини республика корхоналарига ва хорижий харидорларга сотиш эркин конвертация қилинадиган валютада амалга оширилади. ЎзРТХБнинг биржа савдоларида валюта майдони орқали республика корхоналарига, хорижий харидорларга «Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари томонидан сотиладиган пахта толаси учун ҳисоб-китоблар ушбу Низомга иловага мувофиқ схема бўйича амалга оширилади.

4. ЎзРТХБда республика корхоналари томонидан сотиб олинган пахта толасидан фақат ишлаб чиқариш мақсадларида фойдаланилади ва у қайта сотилмайди.

## II боб. Атамалар ва тушунчалар

5. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:  
**махсулот** — «Ўзпахтаэкспорт» АЖ мулкида бўлган ва пахта толасини ишлаб чиқариш ва етказиб беришнинг тасдиқланган кўрсаткичларига мувофиқ биржа савдоларида сотиладиган пахта толаси;

**биржа савдоларининг электрон тизими** — ЎзРТХБнинг дастурий-техник комплекси, у аниқ вақт режимида умумреспублика биржа савдоларини ўтказишни таъминлайди;

**ҳисоб-китоб-клиринг палатаси** (кейинги ўринларда ҲККП деб аталади) — ЎзРТХБнинг таркибий бўлинмаси, у клиринг ва биржа битимлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоблар ўтказишни таъминлайди;

**сотувчи** — «Ўзпахтаэкспорт» АЖ;

**харидор** — пахта толасини қайта ишлаш қувватига эга бўлган ва пахта толасидан фойдаланган ҳолда маҳсулот ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон Республикасининг юридик шахслари, шунингдек хорижий харидорлар;

**закалат** — ЎзРТХБда амалга ошириладиган битимларни бажариш кафолатларини таъминлаш учун ҲККПга харидорлар ва сотувчи томонидан битимларни кафолатли таъминлаш учун киритиладиган маблағлар;

**котировка** — бир ҳафтадаги биржа савдолари натижалари бўйича белгиланадиган ва ЎзРТХБ расмий веб-сайтида эълон қилинадиган ўртача белгиланган нарх;

**терминаллар** — маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва юклаб жўнатиш бўйича хизматлар кўрсатадиган пахта терминаллари.

## III боб. Пахта толаси ҳажмларини шакллантириш, биржа савдоларини тайёрлаш ва ўтказиш тартиби

6. Сотувчи, йилнинг тегишли даври учун пахта толасини ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш бўйича йилнинг тегишли даври учун тасдиқланган балансдан келиб чиққан ҳолда ҳар ойда, ҳар бир келгуси ой бошланишидан 10 кун олдин ЎзРТХБни харидорларга биржа савдоларида сотиш учун мўлжалланган маҳсулот миқдори тўғрисида хабардор қилади.



Хабарномаларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг мувофиқлик сертификати (текшириш далолатномаси) билан тасдиқланган пахта толасининг лоти, типи, нави ва классификацияси кўрсатилади.

7. Харидор биржа савдоларига қўйиш учун назарда тутилган миқдорларга мувофиқ харидорларга маҳсулотларни етказиб беришни узлуксиз таъминлаш учун зарур бўлган миқдорларда маҳсулотнинг мавжудлиги тўғрисида ЎзРТХБга маълумотнома тақдим этади.

8. ЎзРТХБ биржа савдоларида мустақил равишда иштирок этишни хоҳловчи сотувчига брокерлик жойи беради.

9. Биржа савдоларига сотувчининг ёзма хабарномаси асосида, илгари сотиб олинган пахта толаси учун биржадан ташқари битимлар бўйича тўлов муддати ўтган қарзи бўлган харидорлар қўйилмайди.

10. Биржа савдолари ўтказилиши, биржа сессияларининг давом этиши, қўйиладиган маҳсулотлар миқдори тўғрисидаги ахборот ЎзРТХБ томонидан харидорларга ЎзРТХБ аъзолари орқали етказилади ва расмий веб-сайтда эълон қилинади.

11. ЎзРТХБ биржа барча аъзоларининг, уларнинг ҳудудий жойлашишидан қатъи назар, айна бир вақтда иштирок этиши имкониятини таъминлаши шарт.

12. Солиқларни ўтказиш, тўланган кафолат суммасига мувофиқ ҳар бир савдо бўйича қатнашчиларни савдоларга қўйиш ва улардан четлатиш, электрон биржа савдоларида голибларни аниқлаш ва битимларни рўйхатдан ўтказиш электрон биржа савдолари тизими томонидан амалга оширилади.

13. Битимларни рўйхатдан ўтказиш кунида ЎзРТХБ сотувчи брокерига битимлар реестридан кўчиргани, шунингдек сотувчи брокерига ва харидор брокерига биржа савдоларининг электрон тизими томонидан шакллантирилган биржа битимининг намунавий шаклини уни расмийлаштириш учун тақдим этади.

14. Савдоларда сотилмаган маҳсулот миқдори сотувчи билан келишилган ҳолда кейинги савдоларга ўтказилади.

15. ЎзРТХБ томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун қуйидаги миқдорда тўлов белгиланади:

республика корхоналарига сотишда харидорга ва сотувчига — ҳар қайси томондан битим суммасининг кўпи билан 0,05 фоизи миқдорида;

экспортга сотишда харидорга — битим суммасининг 0,1 фоизи миқдорида, сотувчига — битим суммасининг 0,05 фоизи миқдорида.

16. Харидор томонидан шартнома мажбуриятлари бажарилмаган тақдирда сотувчи маҳсулотни савдога такроран қўйиши шарт.

17. Тузилган биржа битимлари бўйича маҳсулотни сотиш харидор томонидан 100% миқдорида олдиндан ҳақ тўлаш шартларида амалга оширилади. Олдиндан тўланган ҳақнинг тўлиқ суммаси битим ёпилгунгача ХККП томонидан блокировка қилинади.

**IV боб. Маҳсулотнинг бошланғич нархларини ҳамда биржа савдолари қатнашчилари ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар ва маҳсулотни юклаб жўнатиш механизмини белгилаш**

18. Бошланғич нарх пахта толаси сотувчиси томонидан, «А» индексининг ва унинг Ўзбекистон компоненти «Коттон-Оутлук»да эълон қилинадиган ўртача миқдоридан келиб чиққан ҳолда, CFR — Узоқ Шарқ портлари шартларида ЎзРТХБдаги навбатдаги савдолардан олдинги кунда, республика корхоналари учун — 15 фоиз миқдоридаги чегириш билан, экспортга сотишда эса — пахта толаси экспорти бўйича чекланган харажатларда назарда тутилган маблағлар суммасида республика ташқарисида ўртача (темир йўл ва сув) транспорти харажатларини чегирган ҳолда белгиланади.

Маҳсулотнинг бошланғич нархи эркин конвертация қилинадиган валютада белгиланади ва у нетто массасига қайта ҳисоблаганда прејскурантдаги улгуржи нархдан (прејскурантдаги улгуржи нархларда келтирилган формула бўйича) ҳамда пахта толасини терминалларга етказиб бериш, у ерда тушириш, суғурта қилиш ва сақлаш харажатларидан, шу жумладан етказиб берувчиларнинг воситачилик ҳақи бўйича харажатлардан кам бўлмаслиги керак.

19. Биржа савдоларида тузилган битимларни бажаришнинг молиявий кафолатларини таъминлаш мақсадида биржа савдоларида тузилган битимлар бўйича ҳисоб-китоблар ЎзРТХБнинг ҲККП орқали амалга оширилади.

20. ЎзРТХБнинг ҲККП биржа савдолари қатнашчиларини уларга хизматлар кўрсатиш, мижозларнинг шахсий ҳисоб рақамларидаги маблағлар қолдиқлари тўғрисида ўз вақтида хабардор қилиши шарт.

Сотувчи ва маҳсулотнинг харидорларидан ҳар бири учун ЎзРТХБнинг ҲККП томонидан шахсий ҳисоб рақамлари очилади.

ЎзРТХБнинг ҲККП шахсий ҳисоб рақамларининг ҳолати, ҳисоб рақамларидаги маблағнинг қолдиғи тўғрисидаги маълумотларнинг ошқора қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

21. Сотувчи ва харидор ЎзРТХБнинг ҲККПдаги ўзининг ҳисоб рақамларига томонларнинг ўз мажбуриятларини бажаришининг кафолати сифатида тегишли равишда, савдоларга қўйиладиган ва харид қилиниши мўлжалланаётган маҳсулот қийматининг 2,0 фоизи миқдорида зақолатларни мажбурий тартибда қўйишади.

22. Харидорлар ЎзРТХБда, ЎзРТХБнинг ҲККПда депонентга қўйилган зақолатларни ҳисобга олган ҳолда, мўлжалланаётган тўлов маблағлари ҳажмида битимлар тузишга ҳақлидир.

23. ЎзРТХБнинг ҲККПдаги шахсий ҳисоб рақамларидаги сотувчи ва харидорлар маблағларидан қўйидагилар учун фойдаланилади:

а) биржа битимлари бўйича мажбуриятларни бажариш билан боғлиқ бўлган улар ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш;

б) савдо сессияларида қатнашиш учун закорлат сифатида;

в) мижоз топшириғи бўйича — унинг ваколатли банкидаги клиринг қатнашчисининг ҳисоб рақамига қайтариш учун;

г) депонент қилинган маблағлар ҳисобига ЎзРТХБ томонидан кўрсатилган хизматлар тўлови бўйича ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун.

24. Харидор биржа битими рўйхатдан ўтказилгандан кейин ўн банк куни мобайнида ЎзРТХБнинг ҲҚКПдаги ўз шахсий ҳисоб рақамига рўйхатдан ўтказилган биржа битими бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун қўшимча маблағлар ўтказиши шарт.

25. Харидордан унинг ҳисоб рақамига пул маблағлари тушгандан кейинги кундан бошлаб бир банк кунидан кеч бўлмаган муддатда ЎзРТХБнинг ҲҚКП сотувчи брокерига тўланган битимлар реестрини юборди.

Агар харидор ўн банк куни мобайнида маблағларни рўйхатдан ўтказилган биржа битимига мувофиқ тўлиқ ҳажмда маблағлар ўтказилишини таъминламаганда ЎзРТХБнинг ҲҚКП кўрсатилган муддат ўтгач шахсий кабинет орқали сотувчига ва ЎзРТХБнинг тегишли бўлинмасига битимни бекор қилиш тўғрисида зудлик билан хабар қилади ва харидорнинг шахсий ҳисоб рақамидан сотувчининг ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун жарима сифатида маблағларни, ЎзРТХБнинг воситачилик ҳақини чегирган ҳолда, харидор томонидан тўланган закорлат миқдорида ўтказилади.

Битим бўйича бекор қилинган маҳсулот ҳажми сотувчи томонидан савдоларга такоран қўйилади.

26. ЎзРТХБнинг ҲҚКП томонидан сотувчига тақдим этилган харидорнинг шахсий ҳисоб рақамига маблағлар тушганлиги тўғрисида тўланган битимлар реестрини тақдим этиш, тегишли далолатномани расмийлаштирган ҳолда сотувчи томонидан харидорга маҳсулотни терминалда бериш учун асос ҳисобланади.

Сотувчи томонидан маҳсулотни бериш-қабул қилиш харидорнинг ўз мажбуриятларини бажарганлиги ҲҚКП томонидан тасдиқланмасдан амалга оширилган тақдирда ЎзРТХБ харидор томонидан рўйхатдан ўтказилган биржа битими бўйича мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун жавоб бермайди.

27. Сотувчи маҳсулот қиймати тўлангандан кейин маҳсулотни харидорга пахта терминалининг FCA шартларида етказиб беради.

Маҳсулот терминалда берилгандан кейин сотувчи ва харидор рўйхатдан ўтказилган биржа битими бўйича маҳсулотни бериш-қабул қилиш тўғрисида далолатнома тузадилар.

Сотувчи томонидан маҳсулотни бериш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатноманинг харидор томонидан имзоланган ва унинг муҳри қўйилган далолатноманинг битта асл нусхасининг тақдим этилиши харидорнинг шахсий ҳисоб рақамидан маблағларни ҲҚКП томонидан ваколатли банкдаги сотувчининг ҳисоб рақамига ўтказиш ва битимни ёпиш учун асос ҳисобланади. ҲҚКП томонидан маблағларни ўтказиш кўрсатиб ўтилган далолатнома олин-

ган вақтдан бошлаб икки банк кунидан кўп бўлмаган муддатда амалга оширилади.

28. Харидорга махсулотни бериш-қабул қилиш (юклар жўнатиш) сотувчининг нарядлари бўйича терминаллардан биржа битимларида назарда тутилган миқдор ва муддатларга мувофиқ амалга оширилади. Махсулотни юклар жўнатиш юзасидан наряд ЎзРТХБнинг ХҚКП томонидан ушбу Низомнинг 27-бандига мувофиқ шахсий ҳисоб рақамидан кўчирма тақдим этилгандан кейин берилади.

Махсулотни сертификатлаш, терминалнинг махсулотни сақлаш, юклар жўнатиш ва бериш-қабул қилиш далолатномаси имзолангунгача амалга оширилган бошқа хизматлари билан боғлиқ харажатлар харидор томонидан тўланади.

Терминалнинг сақлаш, транспорт агентига юклар бўйича кўмаклашиш, юклар жўнатиш ва бериш-қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома имзолангандан кейин амалга ошириладиган бошқа ишлар билан боғлиқ харажатлари харидор томонидан тўланади.

Ушбу Низомда назарда тутилган пул маблағларини ўтказиш билан боғлиқ харажатлар сотувчи банкида — сотувчи томонидан, харидор банкида — харидор томонидан амалга оширилади.

Сотувчи томонидан махсулот етказиб берилмаганда, тўлиқ етказиб берилмаганда ёки етказиб бериш муддатлари бузилганда ЎзРТХБнинг ХҚКП унинг ҳисоб рақамидан харидорнинг ваколатли банкдаги ҳисоб рақамига закат суммасини ўтказиши, ундан шартномавий мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги учун жарима сифатида ЎзРТХБнинг воситачилик ҳақи чегириб қолинади.

29. Биржа савдоларида махсулотни сотишдан тушган тушум, шунингдек сотувчи тасарруфига тушган эркин конвертация қилинадиган валютадаги жарима суммаси Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига белгиланган муддатларда 100 фоиз сотилади, тушган маблағларнинг сўмдаги эквивалентидан белгиланган тартибда фойдаланилади.

30. Томонларнинг харидор ва сотувчи ўртасида тузилган биржа битимлари бўйича мажбуриятларининг бажарилмаганлиги учун жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

31. ЎзРТХБ аъзолари, биржа савдолари қатнашчилари ва уларнинг мижозлари ўртасида биржа савдоси қоидаларида назарда тутилган масалалар бўйича пайдо бўладиган баҳслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

#### **V боб. Ахборот таъминоти ва ушбу Низомга риоя этиш юзасидан мониторинг**

32. Ўтказилган биржа савдолари натижалари бўйича ЎзРТХБ унда сотилган махсулотларнинг биржа котировкаларини аниқлайди. ЎзРТХБ ҳар ҳафтада уларни ЎзРТХБнинг расмий веб-сайтида эълон қилади.

33. Ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 5-кунидан кечикмай ЎзРТХБ, сотувчи ва терминаллар Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигига қуйидаги маълумотларни тақдим этади:

ЎзРТХБ — биржа савдоларига маҳсулотларни қўйиш ва сотиш миқдорлари тўғрисида;

сотувчи — биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотларни бериш-қабул қилиш далолатномалари бўйича харидорларга берилган амалдаги миқдорлари тўғрисида;

терминаллар — биржа савдоларида сотиб олинган маҳсулотларни харидорларга юклаб жўнатишнинг амалдаги миқдорлари тўғрисида.

Пахта толасини биржа савдоларида  
Ўзбекистон республика товар-хом ашё  
биржаси (ЎзРТХБ) орқали республика  
корхоналарига ва экспортга сотиш  
тартиби тўғрисидаги низомга  
ИЛОВА

**«Ўзпахтаэкспорт» АЖ ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг  
ҳудудий филиаллари томонидан биржа савдоларида республика  
корхоналарига, хорижий харидорларга ЎзРТХБнинг валюта  
майдони орқали сотиладиган пахта толаси учун  
ҳисоб-китоб қилиш  
СХЕМАСИ**

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлар
I босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиалларига етказиб бериш учун мўлжалланган пахта толаси учун пахта толасини етказиб бериш юзасидан тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланган миқдорда олдиндан тўловни амалга оширади. Маблагларнинг қолган қисми харидордан тўлов олингандан ва валюта тушуми сотилгандан кейин «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари томонидан «Ўзпахтаэкспорт» АЖга амалда юклаб жўнатиш кундан бошлаб қонунчиликда белгиланган муддатларда тўланади.	«Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	Шартномалар тузилгандан кейин ва заруриятга кўра
II босқич	«Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг хабарномаларига ва «Ўзпахтасаноат» АЖ ҳудудий филиалларининг топшириқномаларига мувофиқ пахта тозалаш заводларидан ёки масъулиятли сақлашда бўлган терминаллардан пахта толасини етказиб бериш амалга оширилади.	Пахта тозалаш заводлари, «Ўзпахтасаноат» АЖнинг ҳудудий филиаллари, «Ўзпахтаэкспорт» АЖ	«Ўзпахтаэкспорт» АЖдан олинган хабарномаларга ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг топшириқномаларига мувофиқ олдиндан тўлов амалга оширилгандан кейин

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлар
III босқич	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ республика корхоналарига ва хорижий харидорларга пахта толаси сотиш бўйича ташкил этиладиган биржа савдоларида қатнашиш учун ЎзРТХБ билан шартнома тузади. «Ўзпахтаэксспорт» АЖ илгари сотиб олинган пахта толаси учун биржадан ташқари битимлар бўйича муддати ўтган қарздорлиги бўлган харидорлар тўғрисида ёзма хабарномани тақдим этади.	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ, ЎзРТХБ	Заруриятга кўра
IV босқич	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ ва салоҳиятли қатнашчилар (харидорлар) брокер билан шартнома тузадилар.	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ, харидорлар	Заруриятга кўра
V босқич	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ брокери ҳар бир савдодан олдин ЎзРТХБга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертифицикаш марказининг мувофиқлик сертификати (текшириш далолатномаси) билан тасдиқланган пахта толасининг типлари, сортлари ва класслари ва ҳажмларини биржа савдоларига қўйиш учун ҳужжатларни тақдим этади.	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ, ЎзРТХБ	Ҳар бир савдодан олдин
VI босқич	ЎзРТХБ ўзининг веб-сайтида биржа савдоларининг ўтказиладиган санаси, вақти ва жойин тўғрисидаги ахборотни эълон қилади.	ЎзРТХБ	Ҳар бир савдодан олдин
VII босқич	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ ва биржа савдоларида қатнашадиган пахта толаси харидорлари тегишли равишда савдоларга қўйиладиган ва маҳсулотнинг харид қилишга мўлжалланаётган қийматининг 2,0 фоизи миқдорда закалатларни кафолат сифатида ЎзРТХБ (ҲККП)даги ўзининг ҳисоб рақамларига мажбурий тартибда депонентга қўядилар.	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ, ЎзРТХБнинг ҲККП	Ҳар бир савдодан олдин
VIII босқич	Харидорнинг брокери ва «Ўзпахтаэксспорт» АЖнинг брокери амалга оширилган битимлар реестри асосида пахта толасини сотиш юзасидан биржа битимини тузадилар.	«Ўзпахтаэксспорт» АЖ брокери, харидор брокери	Амалга оширилган битимлар реестри тақдим этилгандан кейин
IX босқич	1. Харидор ЎзРТХБнинг ҲККПдаги ўз ҳисоб рақамига биржа битими бўйича молиявий мажбуриятларни тўлиқ қоплаш учун маблағлар ўтказидади. 2. ЎзРТХБнинг ҲККП тўланган битимлар реестрини «Ўзпахтаэксспорт» АЖга жўнатади, бу пахта толасини бериш-қабул қилиш далолатномасини расмийлаштириш учун асос ҳисобланади. 3. Бериш-қабул қилиш (юклаб жўнатиш) далолатномаси имзолангандан кейин ЎзРТХБнинг ҲККП «Ўзпахтаэксспорт» АЖ ҳисоб рақамига маблағлар ўтказидади.	ЎзРТХБнинг ҲККП, «Ўзпахтаэксспорт» АЖ	1. Биржа битими рўйхатдан ўтказилгандан кейин 10 банк куни мобайнида. 2. Харидордан маблағлар тушгандан кейин бир банк куни мобайнида. 3. Далолатнома олингандан кейин кўпи билан 2 банк кунда.

Босқич-лар	Тадбир	Масъуллар	Муддатлар
Х босқич	Пахта толасининг контрактдаги миқдори «Ўзпахтаэкспорт» АЖнинг ёзма топшириқномаси бўйича, бериш-қабул қилиш далолатномаларини расмийлаштирган ҳолда пахта терминалларидан республика корхоналарига ва хорижий харидорларга берилади.	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ, пахта терминаллари	«Ўзпахтаэкспорт» АЖ томонидан тўлов олингандан кейин

Вазирлар Маҳкамасининг  
2016 йил 30 августдаги 286-сон қарорига  
3-ИЛОВА

## Пахта толасини сертификатлаш ва оғирлигини тортиб кўриш тўғрисида НИЗОМ

### І боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом пахта толасини экспортга ва республиканинг пахта толасини қайта ишловчи корхоналарига (кейинги ўринларда республика корхоналари деб аталади) етказиб беришда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази томонидан буюртмачининг талабномаларига мувофиқ пахта тозалаш заводларида пахта толаси сифатини тойлари бўйича баҳолаш, уни сертификатлаш ҳамда пахта тозалаш заводларида унинг оғирлигини тортиб кўриш тартибини белгилайди.

2. Пахта толаси мажбурий тартибда сертификатлаштирилади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

**буюртмачи** — «Ўзпахтаэкспорт» АЖ;

**харидор** — хорижий харидорлар, республика корхоналари;

**етказиб берувчи** — «Ўзпахтасаноат» АЖнинг худудий филиаллари — Ўзбекистон Республикасининг пахта тозалаш заводлари;

**бажарувчи** — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш маркази (кейинги ўринларда «Сифат» маркази деб аталади);

**НVI** — иш унуми юқори бўлган, пахта толасини узунлиги, узунлиги бўйича бирхилдалиги, пишиқлиги, узилиш бўйича узунлиги (микронеёр), ранги ва ифлосланганлиги кўрсаткичларини ўлчайдиган High Volume Instrument бўйича пахта толаси синовларининг ўлчов тизими номининг қисқача ифодаси;

**классер методи** — белгиланган тартибда тасдиқланган, ташқи кўриши намуналари билан таққослаш йўли билан нави ва классификация бўйича пахта

та толасини органолептик баҳолаш, қўлда штапель қўйиш йўли билан штапель узунлигини аниқлаш;

**ташқи кўриниши намуналари** — белгиланган тартибда тасдиқланган, пахта толасининг ранги, доғлар мавжудлиги, таркиби ва муайян нав ва классдаги пахта толаси учун хос бўлган ифлосланганлиги бўйича сифат тавсифларининг йиғиндисидан иборат бўлган намуналар.

4. О'z DSt 604 «Пахта толаси. Техник шартлар» (кейинги ўринларда О'z DSt 604 деб аталади) мувофиқлик талабларига сертификатлаш бўйича хизматларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги бажарувчи унинг томонидан аккредитация соҳасида кўрсатилганга мувофиқ амалга оширади.

5. Бажарувчи қуйидаги ишларни амалга оширади:

пахта тозалаш заводларида унинг пресдан чиқишида ҳар қайси пахта толаси тойидан синаб кўриш учун намуналар олиш;

танлаб олинган намуналарни идентификациялаш;

намуналарни синаб кўриш учун минтақавий лабораторияга етказиб бериш;

намунани синаб кўриб;

пахта терминалларига (кейинги ўринларда терминаллар деб аталади) етказиб бериладиган пахта толаси партиясининг сифати (типи, нави) бўйича бирхилдалиги юзасидан мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш, сертификатни пахта толасини етказиб берувчига бериш;

етказиб берувчи билан биргаликда пахта толаси партиясидаги тойнинг оғирлигини тортиб кўриш ва тойнинг оғирлиги юзасидан далолатномани расмийлаштириш;

терминалларда пахта толаси тойининг сифати ва оғирлиги юзасидан харидор, етказиб берувчи ва буюртмачи вакиллари билан келишмовчиликларни ҳал этиш.

6. Пахта толасини сертификатлаш ва тойнинг оғирлигини тортиб кўриш бўйича хизматлар учун тўловни буюртмачи мувофиқлик сертификатини (текшириш далолатномасини) ва тойлар оғирлигини тортиб кўриш далолатномасини бериш факти бўйича бажарувчи билан икки томонлама шартномалар асосида, пахта толаси партияларини буюртмачи мулкига расмийлаштирилишига кўра, бажарилган ишлар далолатномалари ва бажарувчи томонидан берилган счётлар асосида амалга оширади.

Пахта толасини сертификатлаш бўйича хизматлар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган нархлар бўйича амалга оширилади.

Пахта толаси тойининг оғирлигини тортиб кўриш бўйича хизматлар учун тўлов Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган нархлар бўйича амалга оширилади.



**II боб. Тойдаги пахта толасини синаб кўриш учун танлаб олиш, уларни идентификация қилиш ва минтақавий лабораторияга етказиб бериш**

7. Пахта толасини пресслаш жараёнида тойнинг қавариқ томонида пресс плитасига ўрнатилган махсус пичоқ билан керттиклар ҳосил қилинади.

8. Тойнинг керттиклар ҳосил қилинган қисмидан синаб кўриш учун намуна олиш бажарувчининг вакили томонидан амалга оширилади.

9. Синаб кўриш учун намуна олиш O'z DSt 614 (кейинги ўринларда O'z DSt 614 деб аталади) мувофиқ амалга оширилади. Ҳар қайси намунага той тартиб рақамининг штрихли коди билан биркадан қирқиб олинган купон қўйилади, у минтақа коди, пахта тозалаш заводининг коди, пахта заводидаги тойнинг оралиқ тартиб рақамидан иборат бўлади.

Олинган намуналарни бажарувчининг вакили полиэтилен пакетга жойлайди ёхуд қоғозга ёки плёнкага ўрайди, сўнгра бажарувчининг минтақа лабораториясига ташиш учун ўралган намуналарни тартиб билан ва зич қилиб жойлайди.

Қоп намуналарнинг ташиш жараёнида бир-бири билан аралашиб кетмаслиги учун зич ҳолда жойланган бўлиши керак.

Қопга ёрлик қўйилади, унда пахта тозалаш заводининг тартиб рақами, ундан пахта толаси ишлаб чиқарилган, саноат ва селекция нави ва пахта хом ашёси классси, пахта толаси партиясининг тартиб рақами, намуналар олинган тойнинг тартиб рақамлари, намуна олинган сана, бажарувчи вакилининг имзоси қўйилган ҳолдаги фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилади.

Пахта толаси ишлаб чиқарилган пахта хом ашёси партиясининг тартиб рақами, саноат ва селекция нави пахта хом ашёси классси тўғрисидаги маълумотларни бажарувчига етказиб берувчи тақдим этади.

Ушбу Низомга 1-иловага\* мувофиқ шакл бўйича бажарувчи вакиллари томонидан расмийлаштирилган пахта толаси намунасини олиш далолатномаси бажарувчининг вакили томонидан имзоланади.

10. Штрихли код қўйилган биркаларни бажарувчи тайёрлайди. Биркалар синаб кўриш учун намуна олинган жойга қўйилади.

11. Олинган намунани синовлар учун минтақавий лабораторияларга етказиб беришни бажарувчи амалга оширади. Намуналар жойланган қопларни минтақавий лабораторияга етказиб бергунгача улар белгиланган тартибда пахта тозалаш заводида сақланиши керак.

12. Пахта толаси намуналари синовлардан кейин бажарувчининг лабораторияларида пахта толасининг партиясини харидор томонидан якуний қабул қилиб олинган ва юклаб жўнатилган вақтгача бажарувчининг лабораторияларида сақланади, лекин бу муддат мувофиқлик сертификати амал қилган муддатдан кўп бўлмаслиги керак. Мувофиқлик сертификатининг амал қилиш муддати тугагач намуна олиш такроран амалга оширилади. Харидор

---

\* 1-илова рус тилидаги матнда берилган.

томонидан пахта толаси партиясини якуний қабул қилиш ва уни юклаб жўнатишдан кейин пахта толаси намуналари бажарувчи томонидан етказиб берувчига қайтарилади.

### **III боб. Пахта тозалаш заводларида пахта толаси тойнинг оғирлигини тортиб кўриш**

13. Пахта толасининг ҳар бир тойи оғирлигини тортиб кўриш пахта тозалаш заводининг пресслаш цехида етказиб берувчининг тарозиларида бажарувчи ва етказиб берувчининг вакиллари томонидан амалга оширилади.

Тойлар бўйича тортиб кўриш натижалари бўйича ушбу Низомга 2-иловадаги\* шаклга мувофиқ пахта толасининг тойлар бўйича оғирлиги тўғрисида далолатнома расмийлаштирилади, у бажарувчи ва етказиб берувчининг ҳақиқий муҳри билан тасдиқланади. Унинг бир нусхаси буюртмачининг вакилига берилади, етказиб берувчи тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномаси асосида счё-сертификатни расмийлаштиради. Тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномасининг амал қилиш муддати мувофиқлик сертификати-нинг амал қилиш муддати тугагач тамом бўлади.

14. О'з DSt 841 «Пахта толаси, пахта линти, пахта тозалаш заводларининг таркибида ўлик пахта ва момиқ мавжуд бўлган чиқитлари. Жойлаш, маркировка-калаш, ташиш ва сақлаш»га (кейинги ўринларда О'з DSt 841 деб аталади) мувофиқ етказиб берувчининг пресслаш цехида фойдаланиладиган тарозилари тортиб кўришда йўл қўйиладиган кўпи билан  $\pm 0,5$  кг нуқсонли бўлиш керак (синаш шкаласининг — кўпи билан 0,2 кг). Тортиб кўриш натижаси вергулдан кейин биринчи белгигача бўлган аниқлик билан ёзиб қўйилиши керак.

15. Терминалда тола партиясини назорат бўйича тортиб кўришда тойнинг ўртача массаси  $\pm 1,0$  кг дан ортиқ миқдор юзасидан той бўйича тортиб кўриш далолатномасида кўрсатилган тойнинг ўртача массасидан тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномаси маълумотлари тўғри деб ҳисобланади. Бунда бажарувчи ва етказиб берувчининг тойлар бўйича тортиб кўриш натижалари ўзгартирилмайди.

16. Бажарувчи ва етказиб берувчининг тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномасида кўрсатилган маълумотлар билан тойнинг ўртача массаси бўйича  $\pm 1,0$  кг дан ортиқлиги аниқланган тақдирда буюртмачи бу ҳақда маълум қилади, шундан сўнг бажарувчи ва етказиб берувчининг вакиллари харидор ёки буюртмачи вакили билан биргаликда қайта тортиб кўриш учун уч кун муддатда етиб келиши керак. Етказиб берувчи қайта тортиб кўриш далолатномалари асосида счё-сертификатга ўзгартиришлар киритади.

Масса бўйича тафовут тасдиқланган тақдирда бажарувчи ўз ҳисобидан такрорий тортиб кўришни амалга оширади. Етказиб берувчи ва буюртмачи бажарувчининг пахта толасининг 100 фоиз баҳоли ҳажмини такрорий тортиб кўриш асосида тузилган далолатномалари асосида ҳақиқий массани ҳисобга олган ҳолда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширади.

\* 2-илова рус тилидаги матнда берилган.

Масса бўйича тафовутлар тасдиқланмаган тақдирда тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномаларининг маълумотлари ўзгаришсиз қолади, кўшимча харажатлар эса буюртмачи ҳисобига киритилади, кейинчалик харидорнинг харажатларига ўтказилади.

17. Бажарувчининг вакили 100 фоиз қайта тортиб кўришни ўтказиш учун уч кун муддатда терминалга келмаган тақдирда бажарувчи ушбу Низомнинг 6-бобига мувофиқ жавобгар бўлади, харидор томонидан жалб этилган нейтрал назорат қилувчи ташкилотнинг пахта толаси тойи массаси бўйича маълумотлари эса етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар учун якуний ҳисобланади.

18. Бажарувчи пахта тозалаш заводида ва терминалда пахта толаси тойининг сифати ва массасини танлаб назорат қилиш ҳамда натижалар қоникарсиз бўлган тақдирда синовлар протоколининг дастлабки ҳужжатларини ёки бажарувчи ва етказиб берувчи томонидан тузилган тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

#### IV боб. Пахта толасини синаш

19. Пахта толасининг ҳар бир тойидан олинган намуналарни синаб кўришни бажарувчининг мутахассислари O'z DSt 604 га мувофиқ HVI методи ва классер методи билан амалга оширадilar. Синашлар натижасида пахта толасининг узунлиги (типи), сорти ва класс, «микронейр» кўрсаткичи, шунингдек пахта толаси намуналаридаги сифат нуксонлари (чигит, линт, ёғ, хид ва шу кабилар) ва чет аралашмалар мавжудлиги аниқланади.

HVI методи ва классер методи бўйича барча маълумотлар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади ва «Сифат» маркази маълумотлари миллий базасида сақланади.

Лабораторияда пахта толасининг нави ва классини баҳолашнинг классер методида етказиб берувчининг вакиллари иштирок этиши мумкин.

20. Пахта толаси сифатини тойлар бўйича синов натижалари ушбу Низомга 3-иловага\* мувофиқ шакл бўйича синашлар далолатномаси билан расмийлаштирилади. Синовлар далолатномасида, шунингдек пахта толасининг O'z DSt 604 талабларига мувофиқлиги ёки номувофиқлиги ҳақидаги маълумотлар ҳам кўрсатилади. Синовлар далолатномасида номувофиқлик бўлган тақдирда ушбу Низомга 4-илова\* бўйича пахта толаси сифати нуксонлари кодлари кўрсатилади.

Бажарувчи буюртмачининг буюртманомаси бўйича унга HVI тизими бўйича синалган тола партияси натижаларининг электрон кўчирмасини бериш мумкин.

Синовлар далолатномасини HVI, классер тизимида сифат назорати бўйича бўлим бошлиғи имзолайди.

Бажарувчи далолатномасининг бир нусхасини етказиб берувчи вакилга беради.

---

\* 3-4-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

### **V боб. Мувофиқлик сертификатини расмийлаштириш ва бериш**

21. Синовлар далолатномасида келтирилган тойлар бўйича синовлар натижалари асосида, етказиб берувчи пахта толаси партиясининг учта классига қатнашишга қўйилган саноат ва селекция нави типи бўйича бир хил толаларни комплектлайди, комплектланган партиянинг брутто массасини ва кондицион массасини аниқлайди.

Минтақавий лаборатория комплектланган партия учун ушбу Низомга 5-иловага\* мувофиқ шакл бўйича пахта толаси синовлари протоколини расмийлаштиради. Синовлар протоколини бажарувчининг вакиллари имзолайдилар.

Бажарувчининг минтақавий лабораториясидаги ваколатли вакили синовлар протоколи асосида пахта толасининг синалган партиясига учта дубликат нусхаси билан бирга мувофиқлик сертификатларини расмийлаштиради, уни рўйхатдан ўтказиши ва минтақавий лаборатория мухри (хизмат кўрсатиш белгиси) билан тасдиқлайди. Дубликат нусхаларининг биттаси буюртмачига юборилади, биттаси минтақавий лабораторияда қолади.

Мувофиқлик сертификати давлат, рус ёхуд инглиз тилларида тўлдирилади.

Сертификат рўйхатдан ўтказилган вақтдан бошлаб кучга киради. Сертификатнинг амал қилиш муддати O'z DSt 841 бўйича пахта толасини ташиниш ва сақлаш шартларига риоя қилинган тақдирда 6 ой этиб белгиланади.

Мувофиқлик сертификатининг ушбу амал қилиш муддати ўтгач бажарувчи сертификатлаш тартибини белгиланган тартибда амалга оширади.

22. Мувофиқлик сертификати ҳар бир пахта толаси партиясига алоҳида берилади. Бунда пахта толаси партиясининг сифати ва миқдори тўғрисидаги маълумотлар ушбу Низомга 6-иловага\* мувофиқ шакл бўйича мувофиқлик сертификатига иловада келтирилади. Буюртмачи билан келишув бўйича мувофиқлик сертификати бир неча партия учун берилиши мумкин.

23. Пахта толаси терминалга юклаб жўнатилаётганда етказиб берувчи юклаб жўнатиш ҳужжатлари орасига мувофиқлик сертификатининг асл нусхасини ва унга иловани жойлаши шарт.

24. Пахта толасининг бир нечта класс (қўпи билан учта) мавжуд бўлган партиясига мувофиқлик сертификатлари нусхалари ҳар қайси класс учун алоҳида берилиши мумкин.

25. Мувофиқлик сертификати қуйидаги ҳолатларда берилмайди:

пахта толаси намуналарида чигит, линт, пахтани қайта ишлаш чиқитлари, ёғли тола, ортиқча нам тола, чиринди хиди ёки толанинг нави ва классини баҳолаш классер методи бўйича ўтказилаётган пахта толаси расмий намуналарида мавжуд бўлмаган бошқа аралашмалар бор бўлганда;

пахта толаси тегишли саноат навининг чекланган «Ифлос» классидан ортиқча ифлос бўлган тақдирда;

---

\* 5-6-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

тола ёки унинг ташқи кўриниши пахта толасининг эталон намунасига мувофиқ бўлмаган рангда бўлганда;

ўртача ва узун толали пахта толаси аралаш бўлганда;

тола партиясида турли саноат навларига мансуб тойлар мавжуд бўлганда;

той зарур даражада маркировка, упаковка қилинмаганда, ифлос бўлганда, той сиртига сув текканда, шунингдек ушбу пахта толаси партияси учун ҳужжатлар мавжуд бўлмаганда.

26. Пахта толасининг O'z DSt 604 талабларига жавоб бермаслиги, ушбу Низомнинг 25-бандида санаб ўтилган белгилар бўйича мувофиқлик сертификати берилиши мумкин бўлмаганда бажарувчи ушбу Низомнинг 7-иловасига\* мувофиқ шакл бўйича номувофиқлик ҳақидаги билдиришномани икки нусхада расмийлаштиради.

Билдиришномани бажарувчининг вакили имзолайди, минтақавий лаборатория муҳри (хизмат кўрсатиш белгиси) билан тасдиқлайди.

Билдиришноманинг бир нусхаси пахта тозалаш заводи вакилига берилади, иккинчи нусхаси минтақавий лабораторияда қолади.

Минтақавий лаборатория O'z DSt 604 талабларига жавоб бермайдиган пахта толаси мавжудлиги бўйича ахборотларни тизимлаштиради ва умумлаштиради ҳамда маълумотларни Тошкент шаҳридаги бажарувчининг ва «Ўзпахтасаноат» АЖнинг Сертификатлаш бошқармасига беради.

27. O'z DSt 604 талабларига жавоб бермайдиган ҳар қайси пахта толаси партияси синовлари натижалари юзасидан ушбу Низомнинг 8-иловасидаги\* шакл бўйича пахта толаси текширувларининг далолатномаси расмийлаштирилади. Уни бажарувчининг вакиллари имзолайдилар, минтақавий лаборатория бошлиғи тасдиқлайди, унга бажарувчининг минтақавий лабораторияси муҳри (хизмат кўрсатиш белгиси) қўйилади.

Ташқи кўриниши (ранги ва ифлосланганлиги) бўйича тасдиқланган стандарт намуналарга мувофиқ бўлмаган пахта толаси партиясига текширув далолатномасини расмийлаштиришда ушбу партиянинг сорти ва классификацияси бажарувчи ва етказиб берувчи томонидан, уни қабул қилиб олишда харидор билан келишган ҳолда аниқланади.

Инспекция далолатномаси, мувофиқлик сертификати ўрнига, пахта толаси сифати тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

O'z DSt 604 талабларига мувофиқ бўлмаган тола учун берилган далолатномалар бажарувчи томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олинади ва рўйхатдан ўтказилади.

28. Ўтказилган текширишлар натижаларига кўра харидор томонидан терминалда сифати ва миқдори бўйича қабул қилиб олиш далолатномаси имзоланади. Сифати ва миқдори бўйича қабул қилиб олишнинг харидорлар томонидан имзоланган далолатнома нусхалари буюртмачилар томонидан ҳар куни бажарувчи ва етказиб берувчининг минтақавий лабораториясига берилади.

---

\* 7-8-иловалар рус тилидаги матнда берилган.

29. Буюртмачи, етказиб берувчи ёки харидор пахта толасини сертификатлаш ва тортиб кўриш натижаларидан норози бўлишган тақдирда уларнинг апелляциялари амалдаги қонунчиликка мувофиқ кўриб чиқилади.

## VI боб. Бажарувчининг жавобгарлиги

30. Бажарувчи пахта толасининг ўзи синаб кўрган ҳажми бўйича унинг сорти, класси, узунлиги ва «микронейр»ини аниқлаш юзасидан хизматлар кўрсатишда шартномавий мажбуриятларнинг зарур даражада бажарилиши учун мулкӣ жавобгар бўлади, қуйидагилар:

тойлар ичидаги брак, пахта толасини сақлаш, етказиб бериш, терминалдан пахта заводига қайтариш;

рекламацияларни, даъволарни хўжалик судида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлар бундан мустасно.

31. Харидорларнинг терминалларда тойнинг ўртача массасининг ҳақиқий тафовути  $\pm 1,0$  кг дан ортиқлиги юзасидан эътирозлари тасдиқланган тақдирда бажарувчи буюртмачига унинг тойни қайтадан тортиб кўриш бўйича хизматлари ва уларнинг нормативдан ортиқча сақлангани учун, той массасидаги тафовут қийматидан ташқари харажатларини тўлайди, шунингдек айбдор шахсларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ зарур чоралар кўради.

Бажарувчи қуйидагиларни исботлаб берган тақдирда той массаси бўйича эътирозлар қондирилмайди:

Ўзбекистон Республикаси терминалларида қайтадан тортиб кўришда тортиб кўришдаги хатолик йўл қўйиладиган  $\pm 0,5$  кг миқдоридаги нормадан ортиқча бўлган тарозилардан фойдаланилганда ёки той массаси, вергулдан кейинги дастлабки ўнинчи белгини ҳисобга олмасдан, килограммлардаги бутун миқдоргача яхлитлаб ёзилганда;

тарозилар ваколатли органларнинг текшириш тўғрисидаги гувоҳномаларига эга бўлмаганда;

тойлар O'z DSt 841 стандарти бузилган ҳолда тортиб кўрилганда, ташилганда ва сақланганда.

32. Харидорнинг сертификатлаш ва тортиб кўришлар натижалари юзасидан эътирозлари тасдиқланмаган тақдирда эътирозларни кўриб чиқиш бўйича барча харажатларни буюртмачи тўлайди, кейинчалик улар харидорларнинг ҳисоб рақамига ўтказилади.

33. Харажатларни тўлаш бўйича буюртмачи ва бажарувчи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг тўлов санасидаги курси бўйича миллий валютада амалга оширилади.

## VII боб. Буюртмачининг жавобгарлиги

34. Буюртмачи пахта толасини терминаллардан белгиланган тартибда

расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатсиз (текшириш далолатномасисиз) терминалда тойлар бўйича тортиб кўриб далолатномасисиз ҳамда сифати ва массаси бўйича қабул қилиб олиш далолатномасисиз юклаб жўнатишга ҳақли эмас.

35. Буюртмачи харидорлар билан ўзи тузадиган контрактларда фақат Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги терминалларда пахта толасининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида харидорнинг вакиллар томонидан қабул қилиб олинган пахта толаси партиялари бўйича, той ичидаги брактдан ташқари, сифат ва массаси юзасидан эътироз билдиришга ҳақли эмаслиги шарти билан сифати ва массаси бўйича қабул қилиб олинишини назарда тутди.

36. Пахта толасининг той ичидаги браки бўйича бирон-бир баҳоли масалани республика ҳудудидан ташқарида кўриб чиқиш зарурати пайдо бўлган тақдирда буюртмачи етказиб берувчининг мутахассисларига виза олишда кўмаклашиши керак.

37. Буюртмачи бажарувчига терминалларда доимий ваколатхона учун бино бериши керак. Пахта толасини экспорт қилиш билан боғлиқ масалаларни ўз вақтида ва дарҳол ҳал этиш мақсадида буюртмачи терминалларда бажарувчининг вакилларига терминалларга тушадиган, харидорлар қабул қилиб оладиган, терминаллардан юклаб жўнатиладиган пахта толаси партиялари ҳақида ахборот тақдим этиши керак.

38. Буюртмачи той массасини бажарувчи ва етказиб берувчи тортиб кўришгандан кейин той массасини қайта текшириш учун буюртмачи томонидан жалб этиладиган текширувчи компаниялардан улар қўллайдиган тарозилардаги нуқсонлар ва ваколатли органлар томонидан тарозиларнинг текширилгани тўғрисидаги гувоҳноманинг мавжудлиги ҳақидаги маълумотларни талаб қилиши зарур.

### **VIII боб. Етказиб берувчининг жавобгарлиги**

39. Етказиб берувчи қуйидагиларни таъминлаши керак:

пахта толаси тойни тортиб кўриш учун пресслаш цехида, шунингдек O'z DSt 841 стандарти талабларига мувофиқ бўлган пахта толаси тойни назорат тартибида тортиб кўриш учун пахта тозалаш заводининг тайёр маҳсулотларини сақлаш майдончаларида тарозилар ўрнатиш;

тарозиларнинг тўғри ишлашини назорат қилиш учун стандарт тарози тошлари билан таъминлаш;

терминалларга типи ва нави бўйича бир хил, чет аралашмаларсиз, нохуш ҳидсиз, ортиқча намсиз ва шу каби пахта толаси етказиб берилишини таъминлашга доир барча чора-тадбирларни кўриш;

пичоқли қурилмалар билан намуналар қирқилган жойларда тойлар идишларини қайта тиклаш;

пахта тозалаш заводлари прессларидаги пичоқ қурилмаларининг мақбул ҳолатда бўлишини ва уларнинг ўз вақтида алмаштириб турилишини таъминлаш;

пахта заводидаги пахта толаси намуналарини сақлаш ва зарур ҳужжатлар расмийлаштириш ишларини бажарувчини жойлар билан таъминлаш;

О‘з DSt 841 стандартига мувофиқ бўлган пахта толасини идишга жойлаш, тойларни маркировка қилиш, ташиш ва сақлаш.

40. Етказиб берувчи пахта толасини терминалларга белгиланган тартибда расмийлаштирилган мувофиқлик сертификатисиз (текшириш далолатномасисиз) ва тойлар бўйича тортиб кўриш далолатномасисиз юклар жўнатишга ҳақли эмас.

41. Тойлар ичида брак аниқланган тақдирда етказиб берувчи ушбу ҳажмларни сотиш ва қайтариш билан боғлиқ барча харажатлар бўйича мулкый жавобгар бўлади.

42. Тойнинг ўртача массасидаги тафовутнинг  $\pm 1,0$  кг дан ортиқчилиги юзасидан харидорнинг буюртмачига эътирозлари тасдиқланган тақдирда етказиб берувчи ва буюртмачи ўртасидаги ўзаро ҳисоб-китоблар пахта толаси партиясининг ҳақиқий массаси бўйича амалга оширилади.